

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЮШМАСИДА

1995 йилнинг 12 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар уюшмаси Марказий Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда болалар ҳаракатининг янги босқичдаги ривожланиш муаммолари ва ечимлари, халқаро болалар акция ва операциялари, Ўзбекистон Республикасида дўстлик клубини ташкил этиш, Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар уюшмаси рамзлари ва айирма белгилари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Ва, бу масалалар

бўйича қарорлар қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари болалар ҳаракатининг янги босқичда янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини қайд этишди. Бу масала бўйича махсус қарор қабул қилинди.

Республикада қоғоз, металл хом-ашёлари тақчил бўлган бир даврда бир пайтлар оммавий бўлган "темир-терсак", "оқ қоғоз", "рангли


темир", "яшил дорихона", "бошоқ", "данак" операцияларини қайта жонлантириш зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан Марказий Кенгаш йиғилиши бу операцияларни жонлантириш мақсадида ўз қарорини қабул қилди.

Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар уюшмаси Марказий Кенгаши иштирокчилари республикада халқлар орасида дўстликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Республика Халқаро Дўстлик Ассоциациясини ташкил этиш кераклигини

алоҳида таъкидлаб, бу масала бўйича ҳам махсус қарор қабул қилишди.

Йиғилишда кўрилган масалалардан энг муҳими уюшманинг рамзлари ва айирма белгиларининг қабул қилиниши бўлди. Эндиликда уюшманинг ўз нишонлари ва бўйинбоғи мавжуддир. Нишонларнинг бири жажжи укаларингиз 6—10 ёшдаги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унга "Ғунчалар" номи берилди.

### БҮЙИНБОҒ



Уч қиррали, асосий ранги яшил, шунингдек республикамиз байроғининг сиймоси туширилган. Бўйинбоғнинг бўйинда боғланишдаги олд икки учи сўз ва иш бирлигини билдиради. Бўйинбоғ фақат тантанали байрам кунларида ҳамда Ўзбекистон болалари ҳорижга чиққанларида Ўзбекистон Давлатининг вакиллари эканлигини билдирувчи айирма белги сифатида тақилади. Рангларнинг маъноси:

Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина жойларда навқиронлик, умид ва шодлик тимсоли ҳисобланади.

Мовий ранг — тириклик мазмуни акс этган. Мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради.


Оқ ранг — Муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, ер кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб келади. Оқ ранг поклик, бегуборлик, софликни орзу ва ҳаёллар тозаллигини, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

Қизил чизиклар — жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.


### ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ НИШОНИ:

Асосий ранги яшил бўлган саккиз қиррали нишон. Унга яшил, оқ, кўк ранглар орқали жило берилган.

Яшил ранг табиатнинг янгиланишини, навқиронлик, умид ва шодликни билдирса, мовий ранг, мангу осмон, оби ҳаёт тимсолида яхшиликни донишмандликни, шон-шухратни ва садоқатни билдиради. Оқ ранг эса покликни, бегуборлик, софликни, орзу ва ҳаёллар тозаллигини, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.



Агар биз юртимизни бир уммон деб билсак, томчи шаклидаги кўк ранг доимо тўлқинланиб турадиган серзавқ, шўх-шодон болаларимиз тимсолидир. Очиқ ҳолдаги китоб — болалар ва ўсмирлар ҳар доим билимларга ташна эканлигини билдирса, ундан чарақлаб чиқаётган қуёш ва юқори қисмидаги юлдуз эса болаларимиз буюк давлатимизнинг келажаги билимлар масканидан қуёш сингари чарақлаб



чиқаётган еруғ юлдузлар эканлигини ҳамда улар миллий истиқлолга мустақиллик гоёларига содиқлигини билдиради.

### ҒУНЧАЛАР НИШОНИ

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билимлар даргоҳида эндигина ҳаётни тушуна бориб, мустақил фаолиятга қадам қўяётган янги очилаётган ғунчага қиёс қилинган. Ғунчани ўраб олган барг — Ўзбекистон байроғидан олинган бўлиб, болаларимизнинг қайси республикага мансублигини билдирибгина қолмай, балки, улар буюк давлатимизнинг келажаги эканлигини ҳам билдиради.

Ғунчадаги пушти ранг — тириклик, ҳаёт мазмуни, оқ ранг — покликни, бегуборликни ифодаласа, болалар тинчлик ва осойишталик тарафдорлари эканидан дарак беради. Яшил ранг — она юрт, табиат, навқиронлик, янгиланишни билдиради. Кўк ранг — мовий осмон ва оби ҳаёт рамзи бўлиб, донишмандликни, садоқатни англатади.

## МАКТУБЛАР-ИНСОН ҚИЁФАСИНИНГ ЧИЗГИЛАРИДИР

Мактубларга суяган матбуот органининг халқчиллиги, самимияти ортади. Муаллифлар кўнгли кечинмаларини ифодалар эканлар, беихтиёр ўз суратларини ҳам чизиб юборадилар. Бу ҳусниҳатда, орфографик хатолари сўз қурилишидаги айрим камчиликларда яққол намоён бўлади. Кувонч еки ташвишларини ёзар эканлар, биз хатларда қувончлар суратини, ташвишлар сийратини илғаб оламиз. Ана шу сурату сийратлар ҳаммаша эшигимизни тақиллаштириб келаверсин. Хат-хабарларингизни кутамиз.

## Бир мактабдан икки хабар

### ҚИЗЛАР ЙЎҚ ДЕБ...

Синфимизда фақат ўғил болалар ўқийди. Аввалига бу ҳолдан роса хурсанд бўлдик. Қойил, баъзи бир чақимчилардан кутуладиган бўлди, тўғрими? Иршайишдик бир-биримизга қараб. Лекин, орадан кунлар ўтган сайин... Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай.

Янги ўқув йили бошида бошланғич синфини тугатган 150 нафар ўқувчидан лицей синфига ўтиш учун танлов бўлди. Бунга қарангки, математика фани бўйича ўтган танловдан фақатгина ўғил болалар, адабиёт фани бўйича бўлиб ўтган беллашувда эса фақат қизлар голиб чиқишди. Шундай қилиб ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқий бошлади. Юқорида айтганимдай, аввал хурсанд бўлдик. Лекин аста-секин синф хонаси ўз чиройини йўқота бошлади, озгина у ёқ — бу ёққа юрсак, чанг-тўзон кўтарилди, дераза тоқчаларидаги гуллар ҳам қовжирай бошлади. Энг ёмони — орамизда қизлар йўқлиги сабабли баъзи бир қаттиқ-қуруқ сўзларни ҳам бир-биримизга тап тортмай гапириб юборадиган бўлдик. Айтгандай, бунинг яхши томонини эсимдан чиқарай дебман. Яъни биз қизларни доимо онамиздек, синглимиздек иззат қилишимиз зарурлигини ҳам тушуниб етдик.

### КЎЗ ЁШИ ҚУТҚАРА ОЛМАДИ

Йўллар яхмалак бўлганда Анвар дўстлари билан кўчага отланди. Ойси Анварга иссиқ кийимларини бера туриб тайинлади:

— Анваржон, ўртоқларинг билан эҳтиёт бўлиб, бир четда ўйнагин, яна машинага осилиб юрмагин-а!

Анвар "хўп бўлади" деди бажондиллик билан. Аввалига улар маза қилиб чана учишди, қорбўрон ўйнашди, кейин ўртоқлари... машинага осила бошлади. Анвар-ку ойсининг айтганини қилиб дастлаб, бир четда томошабин бўлди барибир, ўртоқларига жуда ҳаваси келиб кетди ва ўзини қанча босиб турмасин, чидаб тура олмай навбатдаги ўтаётган юк машинасига осилди. Шу тобда бирдан фалокат юз берди! Машинадан қўллари сирғалиб чиқиб кетган Анварни орқадан келаятган ёнгил машина уриб юборди!.

Касалхонада Анвар нуқул онасининг гапларини эсларди...

Шифокорлар боланинг оёқ суякларини қаттиқ жароҳатланганини, уни кесиб ташламаса бўлмаглигини айтишганда она фарёд солди. Лекин онанинг ҳам, боланинг ҳам кўз ёшлари соғ оёқларини қайтара олмасди.

Бахтиёр ВАЛИЕВ,  
Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номли мактабнинг 5-"Б"  
математика лицей синфи ўқувчиси.

Аваллари "қишлоқ" деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига кўчалари тор, уйлари хароб, чанг тўзон бўлиб етадиган манзара гавдаланар эди. Бизнинг "Мазрагон" қишлоғимизда ҳам шароитлар у даражада етарли эмас эди. Ўтин, кўмир ёқиб қозон осилар, сувни ҳам пақир кўтариб аллақадан ташиб келтирар эдик.

Хозирда эса бутунлай бўлакча манзара. Гиждувоний номли жамоа хўжалигимиз раисаси Саломат опа Ганиеванинг сазйи ҳаракатлари туфайли қишлоғимиз янада кўркамлашди. Қишлоқ эмас, шаҳар дейсиз, гўё. Янги қурилган гилам тўқиш ҳамда тикиш цехлари ишга туширилди. Бу ерларда кўплаб қишлоғимиз аёллари меҳнат

қилишяпти. Энг кувонарлиси, хонадонларимизга газ келди. Меҳнатлари енгиллашган онажонларимизнинг кувончлари бир олам! Авваллари, бошқасини кўяверинг, оддийгина соч олдириш учун ҳам туман марказига қатнашимизга тўғри келар эди. Эндиликда каттагина касалхона, сартарошхона, пой-афзал таъмирлаш устaxonаси, кўплаб дўконлар мунтазам ишлаб турибди. Савобли ишлар-

нинг барча-барчасига Саломат опа бош-қош. Шундан бўлса керак, опа ҳақида ёшларимиз алқаб, кексаларимиз дуолаб сўзлайдилар.

Барот ЭҒАМОВ, Илём ХАСАНОВ,  
Бухоро вилояти, Гиждувон  
туманидаги 17-мактабнинг  
7-"А"-синф ўқувчилари.



40 йил! Инсон умрининг деярли тенг ярмини ташкил қиладиган бу муддат энг навқирон, шиддаткор давр саналади. Шоқир ака Қосимов умрининг ана шу куч-ғайратга тўлган, гуркираган пайтини болалар тарбиясига бахшида этди. Шаҳримиздаги 154-мактабда мусиқа фанидан сабоқ берадиган Шоқир ака ўқувчиларга миллий қўшиқ ва куйларни ўргатишга алоҳида аҳамият берадилар. Санъатга ихлосманд ўқувчилардан "Гулрух" деб номланган қизлар дастаси ташкил қилган устознинг "ҳилола" деб номланган фольклор-этнографик тўғараги ҳам ишлаб турибди.

Суратда: Шоқир ака Қосимов шогирдлари даврасида.

РА.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

## УРУШНИНГ ДАҲШАТЛИ ХОТИРАСИ

Гитлерчиларнинг "Ўлим фабрикаси" — Освенцим концентрацион лагери Гиммлер буйруғи билан 1940 йил 27 апрелда 40 квадрат километр ботқоқлик ерда тузилган.

Поляк тутқунлари ортилган биринчи эшелон 1940 йил июнда Освенцимга келтирилди. Кейин фашистлар Европада босиб олган кўпгина мамлакатлар халқлари келтирилди. Лагерга келтирилган тутқун яхудиёлар шу заҳотиёқ газ камераларига юборилар эди. Лагерь кенгайди. Лагернинг 46 филиали пайдо бўлди. Ёнма-ён Бжезин-ка қурилди. Камера ва крематорийлар тинимсиз ишлаб турди. Булар ҳам камлик қилгач, жасадлар чуқурларда ёндирилди. Фашист жаллодлар айниқса рус ҳарбий асирларига нисбатан шафқатсиз бўлдилар. Шу лагерда тўрт миллион одам қатл этилди. Биргина Польшада гитлерчиларнинг 6.100 қамоқхонаси бўлган. Лагерь тутқунлари 1945 йил 27 январда совет қўшинлари томонидан озод этилди.

Гитлерчилар чекинаётиб, тутқунлардан шилиб олинган буюмлар сақланган 35 омборхонадан 29 тасини ёндирдилар. Қолган 6 омборхонадан 1 млн. 250 минг аёллар ва эркаклар кийим-бошлари, 7 тонна аёллар сочи топилди. Германияга 60 тонна соч, 6 тонна тилла тиш... жўнатишган.

Поляк ва бошқа халқлар азоб уқубат тортган ҳамда фашизмга қаршилик кўрсатган бу лагерь авлодлар учун хотира сифатида сақланыпти. Ҳар йили бу ерга чет эллардан юз мингга яқин одам келиб кетади.

## ШАҲАРДАНМИЗМИ, ҚИШЛОҚДАН?..

Биз Тошкент вилоятининг Тошкент туманида, Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигининг Сабзавот бўлимида яшаймиз. Аммо, ёнимиздан ўтадиган халқа йўлининг нариги томони Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманига қарайди. Демак,



шаҳарлик болалар — бизнинг маҳалладошларимиз. Бизнинг кўчада истиқомат қиладиганларнинг хоҳлаганлари шаҳарнинг 273, 274-ёки 97-мактабларида таҳсил кўришади. Шаҳарлик болаларнинг кўпчилиги эса бизнинг Тошкент туманига қарашли 25-мактабимизда ўқишади. Демак, шаҳару қишлоқ бирлашиб, бир жону бир тан бўлиб кетган. Бунга қаранг-ки, кувончу муаммоларимиз ҳам бир хил. Сизларга энг асосий муаммо — йўл транспорти қатнови ҳақида ёзмақчимиз. Қишлоғимизга бирорта автобус келмайди. Бир вақтлар қатнаган 112 - автобусимиз ҳар соатда келса-да, деҳқон ота-оналаримизни шаҳар бозорларига боришини ен-

гиллаштириб турарди. Қишлоғимизда икки мингдан ортиқ одам яшайди. Демак, шаҳарнинг турли бурчакларига бориб ишлаб келувчилар ҳам, талаба-ю, узок лицейларда билим оладиган ўқувчилар ҳам анча-мунча, улар орасида. Эрта саҳарлаб шаҳарга тушувчиларнинг турнакатор бўлиб далаларни оралаб, қишда лой, ёзда тупроқ кечиб ишга ёки ўқишга отланишини кўрсангиз раҳмингиз келади. Кечкурун ҳам шундай: қўлида тугун-терсак билан улар Юнусободнинг қариялар пансионати ёки 16-мавзесидаги "Баходир" ошенига келадиган автобусларнинг сўнги бекатидан пиёда, хориб-чарчаб, уйга бир, бир ярим соатларда етиб келишади. Узокни яқин қилган автобуслар афсуски, бор йўти 500 метр чамасидаги бизнинг қишлоқ тарафларга келиши катта муаммо бўлаяпти.

Тўғри, Тошкент халқа йўли бўйлаб, ўтган йили 92-автобуснинг кўп "ёзди-ёзди"лардан кейин қатнови ташкилланганди. Бир ёқлама юриб ўтса-да, ҳар ҳолда севи-ниб қолгандик. Аммо севинчимиз узокқа чўзилмади. Қани энди, узокдан қорасини кўрсатиб, лекин тўхтамай, биздан бурилиб кетадиган 9-, 83-, 96-автобусларни халқа йўл бўйлаб бор йўти бир бекатгача узайтириш имкони бўлса! Ёки 92-, 72-, 97- автобусларнинг йўлини шу тарафларга туширсак. Майли, қишлоғимизга келмасин улар. Биз икки, уч бекатгача юриб боришга ҳам тайёрмиз. Фақат ёнимиздаги халқа йўлига, Турғун Мирзаев кўчаси қаршисига келиб, тўхтаб ўтса бўлгани.

Салом билан, Тошкент туманидаги 25-мактаб ўқувчилари, жами: 24 имзо.

## ЭРТАККА ЎХШАБ ҚОЛГАН

Севимли газетамиз "Тоғ юлдузи"даги "Соғлигингни соғломликда асрагин" деган

ёзувга кўзим тушиб, кўнглим чўкиб кетди. Чунки, ёшмиз, соғломмиз, — дейману,



тенгдошларимнинг кўпчилиги сариқ касаллиги, дизентерия ёки яна алақанақа касалликлар билан оғриб, азият чекканидан эртага мен ҳам дардга чалиниб қолсам-а, — деб хавотирга тушаман. Чунки бизнинг Зангиотадаги Қозоқовул, Тариқ тешар, Усмон Юсупов маҳаллаларида катта-ю кичик ичимлик суви яхшимаслигидан шикоят қилиб яшашади. Тошкентнинг суви ширин, — дейдилар. Аммо Тошкент вилоятининг Зангиота туманидагиларга шу ширинлик орзудир, холос. Артезан кудугидан олинадиган сув билан, тоза ичимлик сувининг фарқига уни тоғиб кўрганлар яхши етишади. Тоза сув келтириш ҳақида қарорлар чиқаришяпти, катталар катта мажлисларда қайта-қайта қайд этишяпти, аммо ўнта "сиз-биз"дан битта "жиз-биз" яхши, деб ҳамқишлоқларимиз бу гапларга ишонмай қолишган. Чунки бизнинг томонларга тоза сув келиши 5-6 йилдан бери гапирилавериб, эндиликда эртакка ўхшаб қолган.

Ишқилиб бу эртак мурод-мақсадга элтар эртак бўлсин-да!

Алишер ҲАКИМОВ,  
Тариқ тешар маҳалласидаги мактаб  
ўқувчиси.



Балки эслаб тургандирсиз, балки хаелингиздан кўтарилгандир, бундан 90 йил олдин Тошкентнинг кўримсиз ва оддий маҳаллаларидан бири Говкушдаги бўзчи- дўкондор Тошмуҳаммад ака хонадонидан навбатдаги чақалоқ "инга"си эшитилади. Унга Мусо деб ном бердилар. Атрофдагилар назарида бу жуда оддий бир воқеа эди. Бугун эса ҳеч иккиланмай айтаемизки, ўшанда Оллоҳ ўзбек миллатига яна бир фавкулудда истеъдодли, даҳо фарзанд инъом этди, деб. У Ойбек тахаллуси билан доврुक таратди, адабиётимизда мангу қолди.

Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбек ҳақида ўзингиз анча-мунча маълумотларни биласиз, асарларидан баҳрамандасиз. Мен фақат қутлуг таваллуд муносабати билан Ойбек ҳақида ўзимнинг бир-икки оғиз жайдаригина гапларимни айтсам дейман. Бу фикрларда Ойбекнинг шу пайтгача дарсликларда айтилолмайд келинган инсон ва санъаткор сифатидаги жасорати янада намоён бўлади.

Мусобой ҳам болалигида сизга ўхшаб шўх, олов, ўйинқароқ — тиним нималигини билмасди. Кўкдаги оймомони шунчалик севганидан ойисига уни олиб бериш деб хархаша қилар, аммо ердаги жониворларга айниқса, мусичаларга унинг дастидан кун йўқ эди...

Худди шу шўх, ойни кўлига ушлагиси келган бола улғайиб чинаккамига довррак инсонга айланди, ҳаётда ва ижодда тенгсиз жасорат кўрсатди. Буюк адиб, гўзал шоир, зукко олим, фидойи таржимон, донишманд халқ арбоби, соф қалбли инсон сифатида мангу ўчмас из қолдирди. Ўзи кўкка чиқди — Ойбек — "Ойнинг беги" бўлди. Унинг "Навой", "Қутлуг қон" романи дунё китобхонага-да манзур бўлолди. Рангин ва шаффоф шеърлари қарийб 70 йилдан буён шеърхонга ҳузур бағишлайди. Айниқса жаҳон адабиётидан у қилган таржималар ўзбек адабиетида янги тафаккур ва чуқур мазмун олиб кириб, ёш ижодкорларга улкан таъсир кўрсатди. Бекорга атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор Ойбек ҳақида "У 40 йилда 400 йиллик ишни қилди" демаганди. Ҳақиқатдан

ҳам шундай. Масалан, адабиётимизда Ойбекдан бўлак бирон-бир шоир ёки адибимизнинг 20 жилдлик асарлар тўплами нашр қилинмаган. Бу ҳам Ойбекнинг ёзувчилик заҳматида жуда кўп ҳамкасб миллатдошларидан ўзиб кетганлигини кўрсатади.

Бироқ, бу Ойбек ҳаётда ва ижодда неки кўзлаган бўлса қарийб ҳаммасига эришибди дегани эмас. Минг афсуслар бўлсинки, мустамлакачилик шароитида кечган ёзувчи дунёси ҳам адоғсиз фожиа майдони бўлди. Айни сиздек чоғларида "эски" ва "янги" мактаблар таълимини олиб мозий адабиётимиз ва дунё адабий дурдоналари

сариқ чақалик қадрсиз эканлигини таъкидлабгина қолмай, пролетар — Совет адабиётида бундай шеърларга ўрин йўқлигини дангал айтишди. Яшаш ва ижод қилишни истаса бу йўлдан қайтишни олдига шарт қилиб қўйишди.

Ойбек ҳавойи эмасди. Бу дағдагаларнинг даҳшатини ҳар қадамда сезиб турарди. Кечаги гўзал шеърларни қўмсаб қийналди. Лекин шу биқикликда ўзига йўл қидирди. Ҳа, дилидаги орзуларини амалга ошириши учун бу ёвузликдан ўзини муҳофаза этмаса бўлмасди. Вақтинча... замона мадҳида нималардир қоралагандай бўлди-да тинимсиз ўқиш

қон" романи юксак бадиий санъаткорлик билан яратилган. Бироқ, унинг гоёсида Қизил империянинг сохта тароналари иллоти ҳам кўринади. Фақат бу нуқс — Ойбеклар устига кўтарилган болтага қарши ҳимоя қалқони бўлганлигини, уларни ўлимдан асраб қолганлигини, ўшанда уларнинг вазияти оғир эканлигини тушунишимиз керак.

Дарҳақиқат худди шу "Қутлуг қон" эндигина нашр қилинган 37 — 38 йилларда қатагонлар энг авж нуқтага чиқиб, Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби адабиётимизнинг ўша дамдаги энг улуг даҳолари қатл этилди. Кейинги барча эзгу ва жасоратли юмуш-

кашф қилишнинг янги бир йўлини очди. Дарҳақиқат кейинчалик бошқа адибларимиз томонидан тарихий шахслар ҳақида яратилган асарларда устоз Ойбекнинг тажрибаси яққол кўринади.


Бу асар буюк бобомиз Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига муносиб совға бўлди. Собиқ Иттифоқнинг барча халқлари тилига ўтирилди. Давлат мукофоти билан тақдирланди. Жаҳондаги кўплаб хорижий тилларга ўтирилиб, маълум ва машҳур бўлгач, Москвада нашр қилинган 200 жилдлик "Жаҳон адабиёти дурдоналари" сериясида нашр қилинди.

Бироқ Ойбек бир бора улуг Алишер юрган жойларни кўз билан кўролмай, Ҳирот ва Хуросонда бўлишига руҳсат тегмай армонла у юртни хаёл кучи ва СССРда бор хужжатлар билан тиклади. Қанчалик ютқузик. Бунинг устига яна беҳуда танқидбозлик авж олди. У айбсиз айбдорга чиқди. Бу айбларнинг бошида миллатчи, деган тамга турарди. Охири ниятларига етдилар — 1951 йилда, "Навой" романи яратилганидан 6 йил ўтиб, уни тузалмас дардга дучор этдилар. Ойбек шундан бошлаб умрининг охиригача 17 йил сурункасига бедаво касаллик билан курашиб яшади, жўда қийин аҳволда ижод қилди. Ҳатто умрининг сўнгги уч йилида тилдан қолди. Бироқ, ўз эътиқодидан, сўзидан бир лаҳза ҳам кечмади.

Аянчлиси, мустамлака даврининг таъйиқи, даҳшатли касаллик хуружи билан унинг юрагидаги жуда кўп орзу ва ниятлар гунчалигича сўлди. Ўзидан кейин қолган қўлэзма ва режалар ичида сарғайиб ётган Темур бобомиз ҳақидаги достон (ўлимидан 25 йил ўтиб "Шарқ юлдузи"да бир қисми чиқди), яқин ўтмиш даври хусусидаги роман қораламалари, эҳ яна қанча-қанча 20 жилддан ортиб қолган қайд ва фикрлар. Булар ҳақида хали яна жуда кўп гапирса бўлади.

Шукурки, шунча даврлар ўтишига қарамай, буюк сўз устаси - Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбек адабиётимиз осмонида ой мисол порлаб турибди ва бундан кейин ҳам шундай порлаб туражак.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.



Ойбек туғилган кунига 90 йил тўлди

# "ОЙНИ ОЛИБ БЕРИНГ!..."



бўлган асарларни меҳр ва кунт билан ўрганган, ўзлаштирган ёш истеъдод эгаси илк шеърларида ноқ тенгсиз бир шоир бўлишини кўрсатди. Бу шеърлар руҳиёна ташбеҳлар билан музайян этилган, куйчан, сўзлари оҳорли, бўёқдор эди. Эндигина 21 ёшга кирган ёш шоирнинг илк тўплами ана шундай сержило ва сернаво шеърлардан дасталанган эди. Шу боис ҳам бу шеърлар дарров кўпчиликини ўзига мафтун этди. Бир сўз билан унга "Ёш Чўлпон", деб баҳо беришди. Ҳатто бу баҳони тасдиқлагандай буюк шоир Чўлпон ўша пайтларда битган бир мақоласида ўзига яқин олган истеъдодлар қаторида Ойбекни ҳам санайди.

Аммо иккинчи бундай соф лирик китобни нашр қилиш учун унга 40 йил керак бўлди. Буниси умрининг тонгида, униси ҳаётининг шомиди... Кўнгилнинг муаттар атиргулларидай чайқалади. Бу бежиз эмас эди. Шоирнинг илк тўплами ёруғлик кўрганданоқ у Қизил салтанатнинг калака бўронига учради, танқид ур калтагага тўқнаш келди. Шундай "буюк" ишлар бўлаётганида унинг езганлари

— ўрганишга тушди. Аммо танкидлар ҳам асоратсиз қолмади. У ўзича бир йўлдан кетди. Бунда насрдаги "Қутлуг қон" романи яхши мисол бўлади. Унда Отабек "(Ўткан кунлар)" тақдирдан бўлакчароқ Йўлчи образи мисолида гўё Инқилобгача бўлган халқ қисматининг бўлак аянчларини очиб берди. Шубҳасиз "Қутлуг

лар Ойбек ва унинг тенгдошлари зиммасига тушди. Бу юрак бурчини, миллат олдиди муқаддас масъуллики ҳаммадан ортиқча ҳалол ва тенгсиз ўтаган — Ойбекдир. Яна бир факт Ойбек жасоратини бўлак қиррасини тасдиқлайди. Мустақиллик шарофати билан ўша мусибатли йилларда зўравонлар таъйиқи ва ўз жонларини асраш учун айрим истеъдодли ижодкорлар ҳам ўша Чўлпонлар қатлига озми-кўпми сабабчи бўлганликлари маълум бўлди. Фақат бу сотқинликдан жуда кам адибларимиз ҳазар қилиб, бошларидан не-не оғир кўргиликларни ўтказганлар. Улар орасида Ойбек ҳам борлиги уни ниҳоятда жасоратли шахс ва буюк миллатпарвар инсонлигига далолатдир.

"Навой" романини яратиб, ижодда ҳам бу жасоратини намоён қилди. Адабиётимизда илк тажриба тарихий шахс ҳақида гўзал ва маҳобатли биографик роман ёзиб, ўтмишида юзлаб буюк, такрорланмас тарихий шахслари бўлган улуг миллат эканлигимизни англади ва улар тақдирини бадиий асарда қайта

Қуйида эса Ойбекнинг матбуот юзини кўрган илк шеърларидан айримлари билан танишасиз. Улар сизнинг бу гўзал шеърятнинг сирли, минг тусли боғига етаклар деган умиддамиз.

## ЕШ КЎНГИЛ

Еш кўнгил баъзан тошар,  
Чексиз тоғлардан ошар.  
На ғам билур, на ҳасрат,  
Ҳавасла тўлиб яшар.

Қаноти бор ипакли,  
Кўзлари кўп тилакли.  
Қўрқув билмас, чарчамас,  
Арслон каби юракли.

Еш кўнгил ешда бўлур,

Денгиздек тўлқинлидир.  
Амалининг йўлидан  
Қайтмайди, балки ўлур.  
1924

## ҚИШЛОҒИМНИ ЭСЛАБ...

Тевараги кўм-кўк ўтлоқ,  
Табиати жуда қувноқ.  
Тотли, юмшоқ, ҳавоси-ла  
На гўзалдир кичик қишлоқ.

Кўкларингда қушлар учар,  
Нағмалари кўнгил кучар.  
Тонг отаркан, қизил чечак  
Бир қиз каби кулиб чиқар.

Булутларга етган тоғлар,  
Кичик — кичик яшил  
боғлар.

Хаелимда жилваланур  
Қишлоқдаги тотли чоғлар.

Ой, юлдузли кумуш тунлар,  
Қани нозик гунча — гуллар?


Унутилмас из қолдирмиш  
Қишлоқдаги порлоқ кунлар.

1924

## ОВЧИГА

Отма, қушчани, қанотин  
қоқсин!

Гўзал нағмалар кўнглидан



оқсин.  
Эркликдан бошқа — борми  
бир гўзал?  
Қўй, овчи, уни чечаклар  
тақсин.

Пириллаб кўкка қанот  
қоқсин,  
Малаклар каби гўзал  
боқини.

Энг нафис шеърдир, овчи,  
сен англа!  
Ворлиқда битсин қоннинг  
оқини!

Кўм-кўк еғочда ўтирмиш,  
бир боқ!  
Ким билур, унинг қалбида  
бу чоқ.

Қандай тилаклар тўлиб тошадир,  
Отма қушчани, ўйнасин озроқ!

1924, 14 сентябрь.

## ҲАМИШАЛИК ҲАМРОҲИМИЗ

"Тонг юлдузи" ("Ленин учқуни")ни ўқиб улгайганман. Эсимни таниганимдан бери унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Елдим йиллар сочга киров кўндирди, ортда эса сонсиз-саноксиз дўсту ёрлар, шогирдлар қолдирди. Йилларнинг нури изларига боқиб, ўтган йўлларимдан шукроналар қиламан. Ўқувчиларимга ўқимишли бўлиш керак. Бунинг учун вақтли матбуотдан кўз-қулоқ бўлиб яшаш керак, — дейман. Ҳар куни газета варақламасам, чой ичмаган одамдек бошим ганг бўлиб юраман. "Тонг юлдузи"нинг илк сонлари кўлимга етиб келгач, жуда севиниб кетдим. Яқин дўстимиз, маслаҳатгўйимиз — ҳамишалик ҳам-

роҳимиз у! Унга обуна қилиш давом этаётганини эшитдим, шогирдларимни тезда ёзилишга жалб этдим. Мактабимиздаги 1417 ўқувчининг тенг ярми келгуси ойдан бошлаб "Тонг юлдузи"ни ўқий бошладилар. Мен ҳамиша яқин дўст бўла оладиган газетамга шогирдларингизни тезроқ обуна бўлишига ҳиссангизни кўшинг, — деб ҳамкасбларимга мурожаат қиламан. Чунки "Тонг юлдузи" тонг шуълаларини, шаффоф ҳислари-ю, олийжаноб туйғуларини ёш кўнгиларга олиб киришига ишонаман. Ўқувчилари кўп газетанинг эса масъулияти ҳам ўзига яраша бўлади. Қолаверса, газета ўқишга чоғланган ўқувчи бошқа фанларни ҳам назардан четда қолдирмайди. Ўқувчилар маънавиятини бойитиш, уларнинг йўлларидан тарбия чирокларини порлатиб туриш — биз устозларга боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир мактабдан ўқувчиларнинг камида тўрдан бир қисми ёзилса ҳам саводхонликка катта ҳисса қўшилган бўлур эди. Чунки газетамга обуна учун пул тўлаб, унинг муҳлисига айланмоқчи бўлган ўқувчи хоҳласа-хоҳламаса эшикдан кириб келган беминнат ҳамроҳининг гапига қулоқ солади. Бундан газета мундарижаси бойида, режалари улканлашади. Чунки мухлислар ўз хат-хабарлари билан унинг ҳар тарафлама камол топишига ҳиссаларини қўшадилар.



Мавлуда Исмадова,  
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги  
273-лицей мактаб директори.



## ТЎЛҚИН

### БОТИРНИНГ ҚАЛПОҒИ



Қаранг, Ботир қалпоғин,  
Кийса, ақли ишлайди.  
Қиш келса бас, бошида,  
Саратон, ёз қишлайди.

Қулоқларин беркитиб,  
Иссиқ сақлар бошини.  
Совуқдан жунжиктириб,  
Оқизмас кўз ёшини.

Ҳатто онаси уйда,  
Ёч деса ҳам, ечмайди.  
Ётганида ҳам кийиб,  
Қалпоғидан кечмайди.

Асли бобо совғаси,  
Кўзи тери бу қалпоқ.  
Деганди: — Кийиб ол-у,  
Бошингдан ечма ҳар чок.

Қаранг, қалпоқ бошида,  
Музқаймоқни тишлайди.  
Бош кийим кийиб олса,  
Ботир ақли ишлайди.

## ХАНДАЛАР

### ҚУЁН

— Дада, одам ҳам қуён бўладими?

— Йўқ, нима эди?

— Ҳали оймга: "Бозорда юрган олиб сотарлар мени кўриши билан, "қуён" бўлишди", дедигиз-ку!

### УКАСИ УХЛАГАНДА

— Жим, уканг ухляпти, — деди она кўчадан бидирлаб келиб

онасига гапира кетган Наргизага.  
— Хўп ойи, — деди Наргиза овозини пасайтириб, — кичкина-кичина гапираман.

### ЯХШИ АМАКИ

Кинога ойсиси билан бориб келган бола дадасига деди:

— Дада, эшикнинг олдидаги амаки яхши экан.

— Нима? Айт, нега яхши?

— Билетдан озгина йиртиб олиб, қолганини оймга қайтариб берди.

### ШАФТОЛИ ҚАЕРДА ЎСАДИ?

Бола дадасидан сўради:

— Дада, шафтоли қаерда ўсади?

— Шафтоли Ўзбекистонда, асосан Украина, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларида ўсади.

— Билмас экансиз. Шафтоли томорқада ўсади.

### КИМ БЎЛАСАН?

Ота кичик ўглидан сўради:

— Ўғлим, аканг катта бўлса учувчи бўлмоқчи, сен катта бўлсанг ким бўласан?

— Мен катта бўлсам коптокни баланд тепадиган бўламан.


### КИМ КЎП

#### РОМАН ЁЗГАН!

Таниқли фантаст ёзувчи Айзек Азимовнинг "Уч юзинчи" романи "Опус 300" деб номланган. Шундан сўнг "Гиннеснинг рекордлар китоби"нинг муҳаррирлари Азимовни Американинг энг сермахсул ёзувчиси, деб аташга ошиқиди. Лекин адиб суҳбатлардан бирида аср охиригача 400-китобини чиқариш ниятида эканлигини билдирган. Азимов 250 роман эгаси А. Дюма билан 150 роман ёзган. Бальзакни сон жиҳатдан қувиб ўтган бўлсада, ҳали унинг олдида Ж. Сименоннинг 415 романдан ташкил топган Эверест "чўққи"сини забт этишдек машаққатли вазифа турибди.

Маълум бўлишча, кўп китоб ёзиш мусобақасида Сименон ҳам бош совриндор эмас экан. Сермахсулликда уни Урсула Блом ном-

### Китобсеварларга



ли адиба қувиб ўтган. 91 ешида вафот этган инглиз ёзувчиси йилига 6-7 тадан асар ёзиб нашр эттирган. Шундай қилиб Блом ўзининг узок умри мобайнида жами 560 та роман ёзган. Унинг қалдирғоч роман — эртаги 1900 йилда, муаллиф эндигина 7 ёшга кирганда чоп этилган. Роман-эртанинг қўлземаси Британия музейида сақланмоқда, деб хабар қилади "Экспресс" журнали.

### Мозий садоси

#### 190 МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ

Франциянинг Рона департаментидаги Бельмон шаҳри яқинидаги тош майдалайдиган жойдан ихтиозавр скелети топилди. Бу ҳайвон тахминан 190 миллион йил илгари яшаган. Топилган скелетнинг узунлиги қарийб 11 метр.

#### БЕШ МЕТРЛИ ТОШБАҚА

АҚШнинг Техас штатида яшовчи фермер ўзига қарашли ерга ишлов бераётганда қарийб беш метрлик тошбақа қолдиқларини сезиб қолди. Мутахассисларнинг баҳосига кўра, бу тошбақа бундан қарийб 69 миллион йил илгари яшаган экан. Ҳозиргача 250 шундай топилма маълум.

#### ЭҲРОМ СИРИ

Америкалик олим Ж. Вафтис қадимги Мисрнинг Гизадаги машҳур эҳтиромларидан олинган тош парчаларини кимевий анализ қилиб чиққанида, уларнинг биридан соч толаси топилди. Вафтиснинг айтишича, эҳромлар қозтош бўлақларидан қурилмаган, балки ҳар бир улкан тош сунъий равишда тайёрланган. Ҳар бир тош бўлаги муайян баландликка ўрнатилган қолипга таркиби бизга номаълум қоришмани қуйиш орқали олинган.

### 81 Ёшли СТУДЕНТ

ГФРнинг энг кекса студенти Альфред Шуб 81 ёшга тўлди. У Бундесбургдаги университетнинг биология ва психология факультетида ўқийди. Сизнинг университетга киришингизга сабаб нима? — деган саволга студент: "билимларга қизиқиш, маълумотли ёшлар билан суҳбатлашиш", — деб жавоб қайтаради. Бу — Альфред Шубнинг учинчи университети.

### "МИТТИ" КИТОБЧА

Японияда бўйи ҳам, эни ҳам уч миллиметрлик китоб нашр этилди. Ундаги 24 саҳифага бор-йўғи юз қатор сўз жойлашган. Бу китоб ҳозирча дунёдаги энг кичик китобдир.

### ҒИШТДЕК ТАХЛАНГ

Маълумки, тарвузни кўтариш, ташиш амри маҳол. Япон олимлари хайрли бир иш қилишди, улар тарвузларни куб ҳолида етиладиган навини яратди. Бундай ажойиб тарвузларни ғишт каби тахлаш мумкин.

## РАССОМ ХАНДАСИ



Рассом Н. СУЮНОВ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳририят:  
Сафар БАРНОЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Сойибжон ИСМОИЛОВ,  
Музаффар ПИРМАТОВ  
Сабоҳат ШУКУРОВА

Газета ҳафтанинг сешанба куни  
чиқади.  
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин  
учқуни" номи билан чиқа бошлаган.  
Рўйхатдан ўтиш тартиби N 000137  
Манзилимиз: 700083, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефон: 33-44-25

IBM компютерида терилади ва  
саҳифаланади. Офсет усулида босилган.  
Ҳажми — 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0018.  
11.000 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 19.30.